
ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА...

Бугун Туман ҳокимлиги мажлислар залида “Аёллар дафтари”га рўйхатга олишнинг 2-босқичига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда Республика ва вилоят ишчи гуруҳи вакиллари, туман ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари ва мутассадди раҳбарлар иштирок этишди. Учрашув давомида “Аёллар дафтари”га рўйхатга олишнинг 2-босқичи ҳақида атрофлича тушунчалар берилди. Учрашув давомида 15 июл кунига қадар “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 2-босқичида эҳтиёжманд хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш ишларини якунига етказиш;15-16 июль кунлари “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатларини ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳасини халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;20 июлга қадар “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотларнинг автоматлаштирилган электрон платформага киритилишини таъминлаш вазифалари белгилаб олинди.

2021-07-13 16:11:30